

Ажойиб зарбулмасал

17:22 / 27.03.2017 4266

Бир куни тулки дарё қирғоғида турган туядан сўради: “Дарё сувининг чуқурлиги қанча экан?” Туя жавоб берди: “Тиззагача экан”. Тулки дарёга тушди. Тушиши биланоқ сувга чўка бошлади. Чунки, сув уни бутунлай кўмиб қўйган эди. Кўп машаққат чекиб бошини сувдан чиқарди ва зўрға дарёнинг ўртасидаги катта ҳарсанг тошга чиқиб олди. Бироз ҳансираши босилгач, туяга қарата ғазаб билан: “Сен менга сувнинг чуқурлиги тиззагача демаганмидинг?!” дея бақирди. Туя бунга жавобан: “Тўғри, шундай дедим. Тиззамгача етади-да” деди. Туя билан тулкининг бўйи орасида фарқ бор, албатта.

Сиз ҳам ҳаётингиздаги бирор иш юзасидан бировдан маслаҳат сўраётганингизда у сизга ўзига фойдаси теккан ва ўзи тажриба қилиб кўрган доирадагина маслаҳат беради. Ва кўпинча айтаётган маслаҳатлари ўзигагина мос ва муносиб бўлади, сизга эса тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун бошқанинг ўзига хос бўлган тажрибасини ўз муаммойингиз учун асосий ечим ёки қатъий ҳукм қилиб олманг! Чунки, у ечим сизни тулкига ўхшаб фарқ қилиши мумкин. Сиз бир иш қилмоқчи бўлсангиз, аввало, Аллоҳга истихора қилинг, кейин ота-онангиз, яқинларингиз ва тажрибали кишилар билан маслаҳатлашинг, улар берган маслаҳатлардан фойдаланган ва истихора натижасига суянган ҳолда қарор қабул қилинг!

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси